

Педагогик Олий Таълим Муассасаларидағи “Таълимда Ахборот Технологиялари” Ўқув Фанини Тадқиқот Объекти Сифатида Ўрганиш

Неъматулла Абдукаримович Гулбаев

Чирчиқ давлат педагогика университети Информатика ўқитиши методикаси
кафедраси доценти

Аннотация: Педагогик олий таълим тизимидағи “Таълимда ахборот технологиялари” фанини ўқитиши технологиясига бағишланған. Фанни илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганиб, бошқарув усуллари ёрдамида унинг айрим жиҳатлари күрсатылған.

Калит сўзлар: фан, таълим, ахборот, технология, тизим, тўплам, ўқитувчи, талаба, рақамли технология.

Аннотация: Посвящено технологии преподавания предмета «Информационные технологии в образовании» в системе педагогического высшего образования. При изучении науки как объекта научного исследования показаны некоторые ее аспекты с помощью методов управления.


Ключевые слова: наука, образование, информация, технология, система, коллекция, учитель, ученик, цифровые технологии.

Resume: It is devoted to the technology of teaching the subject "Information technologies in education" in the system of pedagogical higher education. When studying science as an object of scientific research, some of its aspects are shown with the help of management methods.

Key words: science, education, information, technology, system, collection, teacher, student, digital technologies.

Кейинги йилларда мамлакатимизда рақамли технологиялардан фойдаланиш, ривожлантириш, интернет тармоқларидан самарали фойдаланиш асосида жамиятнинг ахборотлаштириш даражасини кўтаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, жамият олдида турган ўртacha ва узоқ муддатли стратегик вазифаларни самарали амалга ошириш учун инсоннинг бутун ҳёти давомида рақамли технологиялар бўйича билим олиш ва узлуксиз шуғулланишнинг фойдасини тарғиб қилишга барча саъй-ҳаракатлар ва ресурсларни биргалиқда йўналтириш, ушбу жараёнга барча давлат муассасаларини жалб этишни таъминлаш талаб этилмоқда.

Инсоният шу жумладан талabalар сўнгги йилларда ўзининг кунлик фаолиятида ўқув фанлардан кўпроқ ахборотларни қабул қилиш, йиғиш, сақлаш, узатиш ва қайта ишлаш билан машғул бўлмоқда. Ушбу жараёнда уларга техник воситалар ёрдамга келган. Ахборотларнинг техник воситаларга юклатилиши ва уларни амалга ошириш усул ва воситаларининг ривожланиши талabalар фаолиятида бунга бағишлиланған фан яъни “Таълимда ахборот технологиялари” ўқув фани сифатида пайдо бўлишига сабаб бўлди. Фаннинг асосий ўзагини компьютер ташкил этиб, унинг техник, дастурний ва ахборот




таъминоти даражасига қараб ўзига хос ахборот муҳитини яратади.

“Таълимда ахборот технологиялари” фанининг талабалар ҳаётига кириб келиши ва ривожланишини белгиловчи бир қанча факторлар бўлиб, биринчиси – бу ахборотларнинг пайдо бўлиши(яратилиши), улар билан турли амалларни(ахборотларни қабул қилиш, йигиш, сақлаш, узатиш ва қайта ишлаш) ва бошқалар, иккинчиси – фанда талабалар учун қисқа назарий айтиб ўтиладиган техника – ускунавий воситалар орқали ахборотлар билан турли амалларни амалга оширишдан иборат бўлган жараёндир.

Ҳозирги кунда ҳар бир ташкилот, ўқув муассасаси, фирма ва барча соҳа вакиллари фаолиятини рақамли технологиялар асосида унинг самарадорлигини ошириш мақсадида бошқарув жараёнларини маълум даражада рақамлаштиришга оид муаммоларни ечиш билан шуғулланмоқда.


Кeling педагогика олий таълими муассасаларида бу муаммога қандай ёндашаётганлигини бир педагогика олий таълим мисолида кўриб чиқайлик.



1 - расм. Педагогик олий таълим муассасаси факультетларининг

функционал модели(Чирчик давлат педагогика университети мисолида)

Педагогик олий муассасалари таркибидаги барча факультетлар таълим йўналишларида “Таълимда ахборот технологиялари” фани ўқитилади. Масалан: Чирчик




давлат педагогика университети яқиндагина ташкил этилишига қарамасдан унда этук факультетлар фаолият олиб бормоқда. Университет “Таълим тўғрисида”ги, шунингдек сўнгги 5-6 йил ичida таълим соҳасида Республикаизда қабул қилинаётган қатор хужжатлар асосида ўз стратегиясига эга бўлиб, Республикаиз ОТМлари орасидан ўзига хос нуфузга эга. Ўқув жараёни факультетлар аъро ўтиладиган “Таълимда ахборот технологиялари” фанини ташкил этишда бири-бирлари билан чамбарчас боғланган ҳолда олиб борилади. Бу ижодий мухит майдонини қуидагича ифодалашимиз мумкин.

1 - расм.


Таълимнинг сифат ва самарадолигини таъминлаш нақадар долзарблигини ҳисобга олиб, олий таълим тўғрисида Республикаизда қабул қилинаётган қарорлари асосида уйғун камол топган, ўқимишли, замонавий фикрловчи талабаларни шакллантиришга, Республикаининг жаҳон ҳамжамиятига янада интеграциялашувига йўналтирилган таълим муҳитини яратишни мақсад қилиб қўйди.

Юқорида келтирилган мақсад, талаб ва вазифаларни тўлиқ бажариш мақсадида педагогик олий таълим муассасалари ҳам ўзининг бир қатор буйруқларини чиқазди.



2 - расм. Жисмоний маданият таълим йўналиши кундузги бўлим ўқув жараёнининг иерархик модели

Ушбу буйруқларда “Таълимда ахборот технологиялари” фанига ҳам талаб ва вазифалар белгиланди. Келинг, ушбу фанга доир жараённи университетнинг жисмоний



маданият таълим йўналиши мисолида кўрамиз. 2-расм.


“Таълимда ахборот технологиялари” ўқув фани компьютердан тўғри фойдаланиш, талабаларнинг замонавий техникалар имкониятлари билан куролланиш натижасида унинг онгига таъсир этади, ахборотга бўлган эҳтиёжини маълум даражада қоплай бошлайди. Талабаларнинг компьютер билан мулоқатга тайёргарлигини юқори бўлиши фан дастури материалларининг ўзлаштирилишига ва онгининг аклий ривожланишига ёрдам беради.

Расмдан кўриниб турибдики бу фан асосан 30/30/60 схемада 1- босқич талабалари билан биринчи ёки иккинчи семестрда ўтилади. Ҳозирча 30 соат маъруза, 30 соат амалий машғулот шаклда ўтиш назарда тутилган. Сўнгги пайтларда расмда назарда тутилган 60 соатлик мустақил таълимга катта эътибор берилмоқда.

Барча фанлар каби ўқув йили бошида фан бўйича қуидагиларни ҳал қилиш масаласи кўндаланг бўлади. Бу масала айрим ўқитувчилар ўйлаганидек оддий ҳолдек кўринсада, фан бўйича замон талабига мос сифатли билим беришда катта аҳамиятга эга бўлади.

Келинг фанни, моделлаштиридаги “ўрганиш обьекти” деб ўрганиладиган обьект ўрнида фанни қўйиб, бошқарув масалалари қаторида ўрганиб чиқайлик ва хулоса қиласайлик. 3-расм.

Фанни ўрганиш обьекти сифатида қараб, уни бирор $S_{\text{тат}}$ очиқ тизим деб белгилаб оламиз. $S_{\text{тат}}$ тизим доимо бир қанча факторлар асосида ривожланиб боради, умумий ҳолатда қуидаги кичик тўпламларни ҳосил қиласади:




3-расм. Бошқарувнинг очиқ тизими

1. Ҳар ўқув йили бошида фан бўйича зарур меъёрий хужжатлар, масалан, ишчи ўқув режа, ишчи дастур, тақвимий режа ва бошқалар тайёрланади ва тасдиқланади. Умумий ҳолда бу жараёндаги ишларни тизимга *таъсир этувчи кириши омиллар*(талаблар) деб олиб қуидагича ифодалашмиз мумкин:

$$x_i \in X, i = \overline{1, n_x}. \quad (1)$$

Ўқув жараёнида бу тўпламга қуидагиларни киритиш мумкин:

- талабаларнинг фанни ўзлаштириши учун ишчи режада ажратиладиган соатлар сони(x_1);
- маъруза ва амалий дарсларнинг тақсимоти(x_2);



- фаннинг қайси босқич ва қайси семестрда ўқитилиши($x_{3,4}$);
- куннинг қайси вақтида(түшгача ёки тушдан кейин) ўтилиши(x_5);
- қайси блок ва аудиторияда ўтилиши($x_{6,7}$) ва бошқалар(x_n).

2. Тизимга *таъсир этувчи ташқи омиллар* тўплами $z_i \in Z, i = \overline{1, m_z}$.

Фанни ўқитишга қўйилган X талабларни бажариш жараёнида унга Z та ташқи омиллар таъсир этади. Масалан: фан машғулотларининг байрам кунларига тўғри келиши, тасодифий вазиатлар(пандемия, аномал совуқлар ва бошқалар). Умумий ҳолда уни қуйидагича ифодалашимиз мумкин:

$$z_i \in Z, i = \overline{1, m_z}. \quad (2)$$

3. Тизимга X ва Z *таъсир этувчи омиллар* натижасида $S_{\text{тат}}$ тизимнинг натижавий ҳолатини қуйидагича ифодалашимиз мумкин:

$$y_i \in Y, i = \overline{1, k_z}. \quad (3)$$


Бу ерда Y тўпламнинг натижавий қийматлар тўплами қуйидагилардан иборат бўлади:

- талабаларнинг фанни ўзлаштириши бўйича жорий назорат натижалари(y_1);
- талабаларнинг фанни ўзлаштириши бўйича оралиқ назорат натижалари(y_2);
- талабаларнинг фанни ўзлаштириши бўйича яқуний назорат натижалари(y_3);
- талабаларнинг фан бўйича ўтказилган кўрик-танловлардаги ва бошқа тадбирлардаги иштироки натижалари(y_{4-k}).
- фаннинг қайси босқич ва қайси семестрда ўқитилиши($x_{3,4}$);
- куннинг қайси вақтида(түшгача ёки тушдан кейин) ўтилиши(x_5);
- қайси блок ва аудиторияда ўтилиши($x_{6,7}$) ва бошқалар(x_n).

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, фанни алоҳида фан сифатида ўрганиб, (1) ва (2) формулалардаги каби параметрлар сонини қўпайтириб, улар устида таҳлилий, қиёсий солиштириш ва бошқа усуслардан фойдаланиб, Z тўпламнинг мақсадлари бўлган: замонавий ахборот технологиялари асослари, замонавий шахсий компьютерлар ва уларнинг атроф қурилмалари, системали дастурий таъминоти, амалий дастурий воситалар, замонавий коммуникациян технологиялар, Microsoft Officesинг ва бошқа дастурий воситалари ҳақидаги билимлар билан қуроллантириш технологияларини ишлаб чиқиш замон талаби бўлиб қолаверади.

Адабиётлар Рўйхати :

1. С.Қ.Турсунов, И.У.Назаров Таълимда ахборот технологиялари. Педагогика олий таълим муассасалари талабалари учун дарслик. Т.:”Адабиёт учқунлари”, 2019 йил.
2. Гулбаев Н.А., Амиррова М.Ў. “Таълим жараёнида масофавий таълим муаммолари ва ечимлари”. Kompyuter lingvistikasi: muammo va yechimlar (Компьютерная лингвистика: проблемы и решения, Computational linguistics and solutions) mavzusidagi xalqaro an'anaviy onlayn ilmiy-amaliy konferensiya materiallari to‘plami. Toshkent, 16-may, 2022-y.
3. Гулбаев Н.А., Xusanova N.A. ““Ta’limda axborot texnologiyalari” fanida nazariy va



amaliy bilimler uyg'unligi ”. МИРОВАЯ НАУКА. ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ: Материалы V международной научно-практической конференции (24-25 ноября 2022 г., Волгоград) Отв. ред. Морозов С.А. – Издательство ЦПМ «Академия просвещения», Волгоград 2022. - 306 с.

4. Гулбаев Н.А., Халметова М.Х. “ Ақлли энергетика тизимини бошқаришда моделлаштиришнинг ўрни (электр тармоқлари мисолида)”. Монография. “Lesson Press” МЧЖ Нашриёти. Тошкент 2022 й.